Ушбу сонда:
2 ГУРУРИМСАН, ОНА ЎЗБЕКИСТОН!
3 ҚОНУН ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИ
4 СПОРТ – СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 1 июл, шанба №94 (926)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ОКСАРОЙДА ҚАБУЛ

30 июн куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жанубий Кореянинг «ДЭУ мотор» компанияси Президенти Ким Шин Жонгни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни мамлакатимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон корхоналари билан «ДЭУ» корпорацияси ўртасидаги алоқалар тобора ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди.

Ким Шин Жонг Ислом Каримовга самимий қабул учун миннатдорлик билдирар экан, Ўзбекистонда «ДЭУ мотор» компанияси фаолияти учун қулай шарт-шароит яратиб берилгани ва ҳамкорлик самарали бўлаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон иқтисодиётига сармоя киритиш борасида «ДЭУ» хорижий шериклар орасида олдинги ўринларда бормоқда. Хусусан, «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг муваффақиятли фаолият юргизаётгани ҳамкорлигимиз йўналишлари тўғри белгиланганидан дарак беради.

Учрашувда томонлар ҳамкорликнинг бугунги аҳволи, яқин келажакда биргаликда амалга ошириладиган ишлар юзасидан фикр алмашди.

(ЎзА).

«Соғлом авлод учун» халқаро нодавлат хайрия жамғармаси хорижий ҳамкорларидан 320 минг АҚШ доллари қийматига тенг тиббий асбоб-ускуна ва дори-дармон олди.

ДАВОЛАШ МУАССАСАЛАРИГА ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

«Соғлом авлод» Давлат дастурини амалга ошириш жамғарманинг муҳим вазифасига айланган. Жамғарманинг ҳамкорлари орасида тиббий асбоб-ускуна ва дори-дармон ишлаб чиқаришга ихтисослашган кўпгина йирик хорижий компания ва фирмалар бор. Хорижий ҳамкорлардан келаётган инсонпарварлик ёрдами республика соғлиқни сақлаш муассасаларига, биринчи навбатда, аёллар ва болалар шифохоналарига юборилмоқда.

Бу галги инсонпарварлик ёрдами Республика скрининг маркази, Фтизиатрия ва пульмонология институти ҳамда Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлигининг Гематология институтига юборилди. «Соғлом авлод учун» жамғармасида бўлиб ўтган инсонпарварлик ёрдамини топшириш маросимида Республика скрининг маркази вакилларига лаборатория текширувларини ўтказиш учун Финляндиянинг 310 минг доллар турадиган «Дельфия» ускунаси берилди. Фтизиатрия ва пульмонология институти ва Гематология институтига Франциянинг «Рон Пуленк Рорер Фарма Сервисес» ва «Иннотек Интернасиональ» компаниялари ишлаб чиқарган 12 минг долларлик дори-дармон ажратилди.

2 июл - Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинган кун

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ РАМЗИ

Ҳар гал музаффар байроғимизга тикилганимизда қанчадир вақт сеҳрланиб, унга фахр ила тикилиб қоламиз. Ўша онларда қалб жумбушга келиб, ҳис-туйғулар тўлиб тошади, фикр янада тиниқлашгандек бўлади. Мустақил Ўзбекистон байроғи ҳилпирамоқда. Демак, мустақил юрт яшамоқда, яшнамоқда, ўз истиқлол ва тараққиёт йўлидан дадил одимламоқда.

Истиқлол шарофати ила рўй бераётган беқиёс ўзгаришларни, айниқса, одамларимиз ҳаёти, дунёқарашидаги янгиланишларни кўриб шукроналар айтамиз.

Истиқлолга таъзим! У ўзбекнинг қадр-қимматини жойига қўйди. Танамизга чуқурроқ ўйлаб, фикр юритсак, мустақилликнинг аҳамиятини янада теранроқ англаймиз. Ахир, Ўзбекистон ўн йилликлар мобайнида қизил империяга тобе ҳудуд бўлиб келди. Жумлаи жаҳон шундай бир гўзал юрт борлигини билиб-билмади. Ана энди қалбимизда миллий ғурур жўш урмоқда. Ўзлигимизни англадик, кимнинг авлодлари эканлигимизни, томиримиз қаердалигини яхши тушуниб етдик. Яна бир жиҳат: Ўзбекистоннинг собиқ байроғи, гербида миллат, халқ рамзи бўладиган бирон белги, ўзига хослик бўлмаган.

Не бахтки, 1992 йилнинг 2 июлида «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида» Қонун қабул қилинди. Гербимиз миллийликка йўғрилган. Ундаги ҳар бир белги, рангда ўзига хос чуқур маъно бор. Жумладан, чаноқлари очилган ғўза, буғдой бошоқларидан иборат шода ичра жаннатмакон ўлка узра саҳий қуёш нур сочмоқда. Яна бу давлат рамзида боғоят қадрли бўлган тусамман акс эттирилган. Гербда Ҳумо қуши - бахт қуши тасвирланган. Қаранг, баъзилар давлатчилик талаблари илдизини негадир бошқа юртлардан қидиришган. Ваҳоланки, олимларимизнинг эътироф этишларича, тамғанинг давлат рамзларидан бирига айланиши қадим ўзбек давлатчилигига бориб тақаларкан. Бу ҳам кимлигимизни англатувчи қувончли бир мисолдир.

Қонунда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби мустақил давлатимиз рамзларидан бири. У юқори бошқарув идораларида, Олий суд, прокуратура, дипломатик вакилатхоналари, консулликлар биноларида, суд биноси залларида ўрнатилган.

Давлат герби мамлакатимиздаги ҳар бир фуқаро учун муқаддасдир. Унга кўзимиз тушган заҳоти вужудини Ватан туйғуси қамраган ҳар бир инсонни тўлқинлантиради, чексиз куч-қувват ато этади!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

Валюта бозорини янада эркинлаштириш ва валюта алмаштириш операцияларини кенгайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида

Валюта бозорини эркинлаштириш, валюта алмаштириш операцияларини кенгайтириш ва миллий валютанинг ички конвертациясини босқичма босқич таъминлаш, нақд хорижий валютанинг республика ҳудудида муомалада бўлиши тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. 2000 йил 1 июлдан бошлаб нақд хорижий валютада етарлича ресурсларга эга бўлган 1-иловада кўрсатиб ўтилган ваколатли банкларга республика ҳудудида ўзларининг ихтисослаштирилган алмаштириш шохобчалари орқали нақд хорижий валютани эркин харид қилиш ва сотиш операцияларини амалга ошириш ҳуқуқи берилсин.

1-иловада кўрсатиб ўтилган ваколатли банклар валюта алмаштириш операциялари миқдорларини кўпайтириш ва ўзларининг алмаштириш шохобчалари тармоғини кенгайтириш чора-тадбирларини кўрсинлар, бундай шохобчалар аэропортларда ва божхона чегараси кесиб ўтиладиган бошқа жойларда, сайёҳлик мажмуаларида, савдо марказларида қўшимча равишда очилишини назарда тутсинлар.

2. Белгилансинки:

хорижий валюта билан операциялар ўтказиш учун бош лицензияларга эга бўлган ва 1-иловада кўрсатиб ўтилмаган тижорат банклари операцияларни фақат нақд хорижий валютани харид қилиш бўйича амалга ошириш ҳуқуқига эга бўладилар. Тижорат банклари томонидан сотиб олинган нақд хорижий валюта ҳар ойда банкларараро валюта бозорида 1-иловада кўрсатиб ўтилган тижорат банкларига сотилиши керак;

алмаштириш шохобчалари фаолияти тегишли детекторлар, тестерлар, хорижий валюталарнинг ҳақиқийлигини аниқлаш учун бошқа зарур замонавий асбоб-ускуналар мавжуд бўлган тақдирдагина амалга оширилади;

алмаштириш шохобчаларида хорижий валюта чекланмаган миқдорда харид қилинади;

алмаштириш шохобчалари томонидан сотиб олинган нақд хорижий валютадан уни кейинчалик алмаштириш шохобчалари орқали сотиш учунгина фойдаланилиши мумкин;

валюта алмаштириш операциялари ваколатли банклар томонидан ўз маблағлари (илгари алмаштириш шохобчалари орқали сотиб олинган маблағлар ҳам шу жумлага киради) ва жалб қилинган маблағлар ҳисобига, шу жумладан, мижозларнинг валюта тушуми мажбурий сотилгандан кейин қоладиган маблағларини харид қилиш ҳисобига, шунингдек, банкларараро валюта бозорида харид қилинган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

3. Тижорат банкларига хорижий валютани хорижий валютага бўлган талаб ва таклифдан келиб чиқиб эркин курс бўйича харид қилиш ва сотиш тавсия қилинсин.

Алмаштириш шохобчаларида нақд хорижий валютани харид қилиш ва сотиш курслари ўртасидаги фарқнинг энг кўп чегараси 5 фоизгача миқдорда белгилансин.

4. Белгилансинки:

ваколатли банкларнинг алмаштириш шохобчаларида нақд хорижий валюта Ўзбекистон Республикаси резидентларига паспорт кўрсатилган ва хорижий давлатнинг кириш визаси, авиация ёки темир йўл чипталари мавжуд бўлган тақдирда 300 АҚШ долларигача сотилади;

норезидентларга сўмлар хорижий валютага улар томонидан алмаштириш шохобчасининг тасдиқловчи маълумотномаси тақдим этилган тақдирда илгари сўмга алмаштирилган хорижий валюта миқдорида алмаштирилади;

жисмоний шахслар - резидентлар томонидан 5000 АҚШ долларига тенг миқдордан ошувчи нақд хорижий валютани олиб чиқиб кетиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг рухсати билан амалга оширилади.

5. Алмаштириш шохобчаси тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида алмаштириш шохобчаларида валюта алмаштириш операцияларини амалга оширишда йўл қўйиладиган хорижий валюталар руйхатини халқаро валюта бозорларидаги конвертациялашдан ва курсларнинг барқарорлигидан келиб чиқиб белгилаш;

бир ҳафта муддатда марказий аппарат тузилмасида ички валюта бозорида хорижий валютага бўлган талаб ва таклиф устидан мониторинг бўйича махсус ишчи гуруҳ ташкил этиш;

15 кун мобайнида 1-иловада кўрсатиб ўтилган ваколатли банкларнинг алмаштириш шохобчалари ходимларини валюта алмаштириш операцияларини амалга ошириш қоидаларини билиш юзасидан аттестациядан ўтказиш, кейинчалик уларга аттестация гувоҳномалари бериш;

ваколатли банкларнинг валюта ресурслари кўпайишига қараб нақд хорижий валютани харид қилиш ва сотиш бўйича операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банклар тармоғини кенгайтириш юзасидан таклифлар киритиш тавсия қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси ваколатли банклари:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари иштирокида алмаштириш шохобчалари зарур даражада ишлашини, улар валюталарнинг ҳақиқийлигини аниқлаш учун зарур замонавий асбоб-ускуналар, санаш-ҳисоблаш техникаси, қўриқлаш ва ёнғин сигнализацияси, телефон алоқаси билан жиҳозланишини, малакали кадрлар билан тўлдирилишини таъминласинлар;

нақд хорижий валюта ноқонуний айланиши ва қалбаки банкнотлар муомалада бўлишининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат солиқ қўмитасига тегишли ахборотни ўз вақтида тақдим қилсинлар.

Белгилансинки, ваколатли банкларнинг раҳбарлари алмаштириш шохобчаларида операциялар тўғри ўтказилиши учун амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ шахсан жавоб берадилар.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси республика ҳудудида нақд хорижий валютанинг ноқонуний айланишига барҳам бериш, қалбаки банкнотларни аниқлаш, айбдор шахсларни амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қатъий жавобгарликка тортиш чора-тадбирларини кучайтирсинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, вазирликлар ва идоралар Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ҳафта муддатда ўз норматив ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирсинлар.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Б.Ҳамидов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.Муллажонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 30 июн

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига 1-илова

Алмаштириш шохобчаларида нақд хорижий валютани харид қилиш ва сотиш операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган ваколатли банклар рўйхати

1. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки.
2. «Ўзсаноатқурилишбанк».
3. «Асака» банки.
4. «Ўзуйжойжамғармабанк».

Истеъмолчи талаби қонун

МАҲАЛЛА ОҚСОҚОЛЛАРИ БИЛАН КЕНГАШИБ

Бугунги кунда аҳолига савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш, уларнинг кундалик эҳтиёж молларига бўлган талабини қондиришга катта эътибор қаратилмоқда. «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун амал қила бошлагандан буён ўтган фурсат ичида савдо маданияти ҳам ошганлигини таъкидлаш жоиз.

Мирзо Улуғбек туман Савдо Департаменти бошқармаси бошлиғи Ҳамидулла ЗУФАРОВ бу ҳақда шундай дейди:

— Харидор ҳамиша ҳақ. Бу шунчаки баланд парвоз гап эмас. Айнан шу қоидага амал қилиб мавжуд савдо, умумий овқатланиш шохобчаларида хизмат кўрсатиш даражасини яхшилашга эришдик. Бунда савдо залларининг деярли барчаси харидор учун маълумот бурчаги, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, махсус кўргазмали белгилар билан таъминланган. Ўз ҳақ-ҳуқуқларини тўғри англаб етишлари учун «Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида» қонун кўчирмасини харидорлар ҳукмига ҳавола қилганмиз. Зеро, улар ўз қонуний ҳуқуқини талаб қила билсагина, савдода тартиб-интизом мустаҳкамланади.

Дарҳақиқат, туман Савдо Департаменти томонидан аҳолига намунали савдо хизмат кўрсатиш борасида кўплаб амалий ишлар қилинмоқда. Сифатсиз маҳсулот етказиб берувчи ёки солиқ идораларига ўз вақтида тақдимномалар топширмаган, даромадни яширган хусусий тадбиркорлар, савдо нуқталарига нисбатан қонунда белгиланган қатъий чоралар кўрилмоқда. Назорат органлари билан ҳамкорликда олиб борилган текширишлар натижасида баъзи ҳолларда бундай савдо дўконлари ва умумий овқатланиш шохобчаларининг фаолияти тўхтатилмоқда. Аҳолини саккиз турдаги зарур озиқ-овқат моллари билан таъминлаб, Вазирлар Маҳкамасининг 604-сонли қарори бажарилишини назорат қилиш мақсадида маҳалла қўмиталари ва фаоллари билан узвий алоқа йўлга қўйилган. Саккиз турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан фонд томонидан таъминланадиган ва аҳолига хизмат кўрсатувчи 78 та савдо нуқтаси мавжуд. Маҳсулотларни тарқатиш олдидан маҳалла оқсоқоллари олдиндан огоҳлантирилади, истеъмолчи билан ҳамкорликда иш юритиш ўз мевасини бермоқда. Баъзан бўй кўрсатиб қолаётган муаммолар ҳам тезда бартараф этилмоқда.

Давур ТУРОН,
«Ишонч» мухбири.

Ҳамкорлик йўлида

Тошкентдаги Олимпия шон-шуҳрати музейида Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси мутахассислари, республика олий спорт маҳорати мактаблари ва оммавий-ахборот воситалари вакилларининг Малайзиянинг ёшлар ва спорт ишлари бўйича вазир ўринбосари Е.П.Датук Онг Ти Киад бошчилигидаги делегацияси билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда иштирок этган Ўзбекистон Давлат спорт қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Шавкат Тўраев кейинги йилларда Ўзбекистон ва Малайзия ўртасида спорт соҳасида фаол ва самарали ҳамкорлик йўлга қўйилганлигини таъкидлади. Юқори сифатли Малайзия спорт маҳсулотларига мамлакатимизда талаб катта эканлиги бунинг далилидир.

Жаноб Е.П.Датук Онг Ти Киад ўзининг қисқача маърузасида мустақил Ўзбекистонда оммавий спортнинг ривожланиши ва унга барча фуқароларнинг фаол жалб этилиши борасида кўплаб ишлар қилинаётганлигини айтди. Ўзбекистон Давлат спорт қўмитаси ва мамлакатимиз спорт жамияти вакилларининг бугунги учрашуви икки мамлакат ўртасида спорт соҳасидаги ҳамкорликнинг ривожланишига ёрдам беришига ишонч билдирди.

Учрашувда Сиднейда бўлиб ўтадиган Олимпия ўйинларига тайёргарлик масалалари кўриб чиқилди. Меҳмонлар Олимпия шон-шуҳрати музейи экспозициялари билан танишиб чиқди.

Учрашувда Малайзиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Яҳё Бен Абдужаббор иштирок этди.

(ЎзА).

ҒУРУРИМСАН, ОНА ЎЗБЕКИСТОН!

Хотирасиз келажак йўқ. Ўтмиш тарихимизга, аждодлар ҳаётига назар солмасдан туриб, ўзлигимизни, истиқлолимиз қадрини англаш қийин. Айниқса, юрт озодлиги, мустақиллиги йўлида жон фидо этган инсонларни ҳар он, ҳар сония ёдда тутмоқ зарур.

Ана шу мақсадда республикамиз Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан барпо этилган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи доимо одамлар билан гавжум. Улар бу ерга юртни мустақил ҳолда кўришни ният қилиб, шу йўлда жон фидо этган азиз сиймолар - Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов каби Ватан фидойилари номини ёд этмоқ учун келадилар. Бугун бу боғ янада гавжум. Юнусобод туман ҳокимлиги ходимлари, Тошкент шаҳар ва Юнусобод туман ички ишлар бўлими вакиллари, маҳалла оқсоқоллари, мактабларнинг юқори синф ўқувчилари, ота-оналар биринчи марта фуқаролик паспорти олишга мушарраф бўлаётган ўсмирларни қутлаш учун йиғилганлар. Паспорт топширишга бағишланган тантанани Юнусобод туман ҳокими муовини Вафо Латипов очиб, сўзни «Мустақил Ўзбекистон» маҳалла оқсоқоллар йиғини раиси Эгамназар ҳожи Қодировга берди.

- Азиз болажонларим, - деди ота. - Юрт мустақиллиги йўлида не-не одамлар азиз жонларини фидо қилмадилар. Ана шу истиқлолни кўриш Сизларга насиб этган экан, боболаримиз анъаналарига садоқат билан шу озод юрт равнақига ҳисса қўшмоғингиз лозим. Бугунги тантананинг шу муқаддас жойда ўтаётгани бежиз эмас. Сизларни авлодлар руҳи қўллаб юрсин.

- Сизлар дунёдаги энг бахтиёр авлодсиз, - деди Тошкент шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи муовини Зуҳриддин Бобокалонов. - Чунки бугун сизлар мустақил Ўзбекистоннинг фуқаролик паспортига эга бўласизлар. Юрт қадрини мусофирлардан сўранг, деганларидек, қўлингизга олажак Ўзбекистон паспорти қадрини юртдан ташқарида Ватан тупроғига зор бўлиб юрган, Ўзбекистондай жаннатмакон диёрда яшашни орзу қилиб умри ўтаётган муҳожирлар ҳам яхши биладилар. Улар мана шу паспортга эга бўлиш учун бор бойликларини сарф қилишга тайёр. Шундай экан, Сизлар озод Ўзбекистон фуқароси эканлигингиз билан фахрланмоғингиз, шу юрт равнақи йўлида бор куч ва имкониятингизни ишга солиб меҳнат қилмоғингиз лозим.

Республикамиз ҳукумати Сизларнинг ўқиб, яхши мутахассис бўлишингиз учун барча шароитларни яратиб қўйган экан, бу имкониятдан фойдаланинг. Зеро, ҳурматли Президентимиз айтганларидай, Сизлар биздан кўра кучли, билимли, ақлли ва албатта бахтли бўлишларингиз керак.

Паспортларни топширар экан, туман ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция полковниги Мирзаанвар Ҳайдаров ҳам ўсмирларни муборакбод этиб, келгуси ишларида муваффақиятлар тилади.

Паспортларни юракларида бир олам ҳаяжон, фахру-ифтихор билан қабул қилиб олган 100 нафардан ортиқ ўсмирлар мустақил Ўзбекистонни кўз қорачиғидай асрашга, Ватан равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилишга, аждодлар анъанасига содиқ қолишга сўз бердилар.

М. МИРКАМОЛОВА,
«Ишонч» мухбири.

Истиқлол берган имкон

ТАДБИРКОР ХОРИЖГА ЧИҚМОҚДА

Республикамиз истиқлолга эришгач, ишбилармон ва тадбиркорларга кенг имкониятлар яратилди. Эл-юрт равнақи йўлида фидойилик кўрсатаётган тадбиркорларнинг саъй-ҳаракати туфайли мамлакатимизда товар ишлаб чиқариш, шу аснода иқтисодиётни ривожлантириш борасида хайрли қадамлар қўйилмоқда.

Шу кунларда туманимизда ва Муборак шаҳрида 110 та юридик, 290 та жисмоний шахслар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келишаяпти. Биргина ўтган йилнинг ўзида ишбилармонлар томонидан 76 миллион сўмлик иш бажарилди. Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида сифатсиз маҳсулот чиқарган корхоналар инқирозга учрайди. Шунинг учун ҳам бугунги тадбиркор билимли, тиним билмайдиган, ишбилармон, шу билан бирга замон талаблари асосида иш олиб бориш қобилиятига эга бўлиши керак. Шундагина кўзланган мақсадларга эришса бўлади. Бошқача айтганда, ҳақиқий тадбиркорлар «етти ўлчаб, бир кесадилар».

Ҳайдар Холмоновнинг ташаббуси билан бир неча йил олдин «Ҳайдар» фирмаси ташкил этилган эди. Дарҳол тикув машиналари сотиб олинди. Туман меҳнат биржаси билан ҳамкорликда 10 нафардан ортиқ хотин-қиз бичиш-тикиш қисқа курсида ҳунар ўрганиб, иш билан таъминланди. Улар тиккан миллий, бежирим либослар, хўжаликлар буюртмаси асосида тайёрланган этаклар, саноат корхоналари жамоаси учун ишчи кийимлари ўз харидорларини топмоқда. Соф даромадлар эвазига савдо дўкони, чойхона қуришга киришилди.

Кам таъминланган, ёлғиз оилаларга меҳр-саҳоват кўрсатишда ҳам Ҳайдар Холмоновдан ўрнак олса арзийди.

Тумандаги тадбиркорлардан яна бири Нормурод Хусаиновдир. У раҳбарлик қилаётган «Шон-шуҳрат» фирмасида ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари болалар боғчаларини таъминлаяпти. Эндиликда хориж технологияси олиб келиниб, макарон қадоқлаш цехи фаолият кўрсата бошлади.

«Стройрембыт», «Саратон» кичик корхоналарининг ишчилари қурилишда фойдаланиладиган сифатли блок-ғиштлар ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйишган бўлса, «Газ» фирмаси мутахассислари туман қишлоқларида табиий газ қувурларини ўтказишда жонбозлик кўрсатишаяпти. «Юлдуз», «Эргаш» фирмалари фаолияти ҳақида ҳам шундай илиқ гапларни айтиш мумкин.

Кичик корхона ва фирмаларнинг фаолияти боис ишсизларни иш билан таъминлаш, уларни ижтимоий ҳимоялаш муаммоси ҳам ҳал этилаяпти. Айни пайтда туманимиздаги фирмаларда 2000 нафарга яқин киши меҳнат қилаяпти.

Қурилишга ихтисослаштирилган кичик корхоналар жамоаси шаҳар ва қишлоқларда кўркам бинолар барпо этишда жонбозлик кўрсатишаяпти. Истиқлол йилларида қад ростлаган миллий ошхоналар, стадион, басеейн, замонавий меҳмонхона, турар-жой бинолари шаҳримиз ҳуснига ҳусн қўшаяпти.

Хориж сармоясини қишлоққа олиб кириш замон талабидир. Буни қалбдан чуқур ҳис этган тадбиркорлар қўшни республикаларда бўлишиб тажриба алмашаяптилар. Илғор технологияларни олиб келаяптилар. Туманимизда қўшма корхоналар очиш учун ҳаракат қилинаяпти.

Ўзимизда шакар, лимонад, салқин ичимликлар, «Карамель» конфетлари ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун изчиллик билан иш олиб борилаяпти.

Тадбиркорлар саҳоват, мурувватни асло унутмайдилар. Қўли очиқлик улар ишига барака келтиришини ўз фаолиятларида синаб кўришди. Уруш ва меҳнат фахрийлари, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиб келинаяпти. «Машъал» футбол жамоасига «Стройрембыт» кичик корхонаси ҳомийлик қилиб ёш спортчиларни руҳлантиришга ҳисса қўшаяпти. Мактаб, шифохона, болалар боғчаларини таъмирлашда ҳам саҳоват кўрсатиб, эл дуосини олишаяпти.

Республикамиз мустақиллигининг шонли 9 йиллиги байрами арафасида туманимиз тадбиркорлари ана шундай кучғайрат билан меҳнат қилишаяпти.

Тоштемир РАСУЛОВ,
Муборак туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси.

Юртимизнинг файзу баракаси нуронийларимиз билан тўкисдир. Оғир йилларни кўрган, уруш оловлари ичида кечган юртдошларимиз ҳолидан хабар олиш, кўнгил сўраш қанчалик савобли иш.

Навоий вилояти ижтимоий таъминот бошқармаси ходимлари ҳам савобли ишларга қўл урмоқда. Бугунги кунда бошқарма ҳисобида 97024 нафар пенсионерлар бор. Бошқарма томонидан 10 нафар ёлғиз қария ногиронлар аниқланиб, 600000 сўмлик неъмат ва кийим-кечак улашилди. Шу билан бирга бошқарма ходимлари жойларда бўлиб 653 нафар пенсионер ва ногиронларга 555000 сўмлик мадад кўрсатишди.

бошлиқ ўринбосари Йўлдош Шарипов ва Конимех тумани ижтимоий таъминот бўлими мудири Таня Ерваева собиқ жангчи оиласига совғалар топширимоқда.

Суратда: Навоий вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси ижтимоий хизматни ташкиллаштириш бўйича

Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

НАВБАТ - ТУМАНЛАР МАРКАЗИГА

Республика «Маҳалла» жамғармасида «Номарказлаштириш - маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг негизи, уларнинг Ўзбекистон қишлоқларида ислоҳотларни ривожлантиришдаги роли, ҳуқуқий, иқтисодий томонлари ва оммавий ахборот воситаларида ёритилиши» мавзуида «Давра суҳбати» бўлиб ўтди.

Учрашувда бу йил шу мавзуда Конрад Аденауэр жамғармаси, «Маҳалла» ва «Камолот» жамғармалари, Швейцариянинг тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази, Германиянинг техник ҳамкорлик жамияти ва бир қатор ассоциация ҳамда ҳокимликлар билан ҳамкорликда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўтказилган семинарларнинг натижалари муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, ушбу уч босқичли семинарларнинг мақсади қишлоқнинг иқтисодий тараққиётига қаратилиб, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш соҳасидаги қонунларни амалга ошириш механизмларини тушунтириш, кишиларнинг хусусий тадбиркорлик борасидаги ташаббусларини фаоллаштириш, қишлоқдаги ислоҳотларни ва уларнинг самарасига ҳалақит берувчи салбий омилларни ёритишда оммавий ахборот воситаларининг ролини оширишдан иборат бўлди. Биринчи босқич давомида тадбиркорлар, фуқаролар кенгаши раислари ва ёшлардан иборат гуруҳ иштирокчилари жойлардаги ҳолатни яхшилаш бўйича ўз таклифларини ишлаб чиқдилар.

«Аёзқалъатур» иш бошлади

Беруний туманидаги Аёзқалъа ёдгорлигига Австрия, Германия, Канада, Франция мамлакатларидан дастлабки сайёҳлар ташриф буюрди. Улар бундан йигирма аср муқаддам барпо этилган Аёзқалъанинг ҳайратомуз меъморий обидалари билан танишдилар.

- Яқинда Франция ва Олмониядан яна бир гуруҳ сайёҳлар келади,- дейди «Аёзқалъатур» туристик фирмаси директори Дилбар Каримбердиева.- Сайёҳлар учун барча қулайликлар яратилган. Улар республикамизнинг энг қадимий гўшалари - Элликқалъа, Тўрткўл, Беруний туманларида бўлиб, аждодларимиз қўли билан яратилган асори-атиқалар билан танишадилар. Кемпинг ва ўтовлар чет эллик сайёҳлар хизматига шай. Моҳир пазандаларимиз тайёрлаган миллий таомлар хорижликлар ёдида умрбод қолишига ишончимиз комил.

Тармоқ касаба уюшма қўмиталари тажрибасидан

ТАЛАБАЛАР БЕПУЛ ДАВОЛАНИШМОҚДА

— Қўмитамиз ташаббуси билан бу йил республика Олий ўқув юртларида ўқиётган кам таъминланган, сурункали касалликларга чалинган талабалар олийгоҳлар қошида ташкил қилинган сихатгоҳларда бепул даволаниш имкониятига эга бўлдилар. Жумладан, Урганч давлат университети қошидаги сихатгоҳда жорий йил 60 нафар талаба бепул даволанади.

Ўтган беш ой давомида ночор оилалар фарзандлари учун, меҳрибонлик уйлари, болалар касалхоналари ва боғчаларига 700 минг сўмдан ортиқ моддий ёрдам уюштирилди. Кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига 280 минг сўм миқдорда ўқув қуроллари сотиб олиб берилди.

Ёшлар ўртасида турли хил тадбирлар ўтказишга алоҳида эътибор бераяпмиз. Физкультурачилар куни муносабати билан вилоят халқ таълими бошқармаси, вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси билан ҳамкорликда мактаб ўқувчилари ўртасида енгил атлетика спартакиадаси мусобақалари ўтказилди. Ғолиблар моддий ва маънавий рағбатлантирилди.

Бу йил 2400 дан ортиқ болаларни дам олишлари ва саломатликларини тиклашлари учун ижтимоий суғурта маблағларидан 10 миллион сўм ажратилди. Бундан ташқари Урганч давлат дорилфунуни учун ҳам оромгоҳ ташкил қилдик. Бу ерда икки навбатда 200 талаба хордиқ чиқариши режалаштирилганди. Ушбу мақсадда қўмита томонидан бир миллион сўм маблағ ажратилди. Иқтидорли ўқувчилар учун Янгибозор, Қўшкўпир, Хонқа, Боғот, Ҳазорасп туманларида Питнак ва Хива шаҳарларида 3 навбатда 2010 болани хордиқ чиқаришини ташкил қилдик. Шунингдек, касалманд болалар учун вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги «Зиёкор» санаторийси негизида соғломлаштириш оромгоҳи иш бошлади. Айни чоғда бу ерда 400 нафар болалар навбатма-навбат соғломлаштирилмоқда. Булардан ташқари 7 та туманда мактаб ва лицейлар қошида мингга яқин ёшлар дам олишмоқда.

Яқинда 517 нафар ўқувчи ёшлар Тошкент вилояти Паркент туманидаги «Сумча» оромгоҳида дам олиш учун жўнаб кетдилар. Айни пайтда ўқувчиларни оромгоҳ ва сиҳатгоҳларда қандай ҳордиқ чиқараётганликларини назорат қилиб боряпмиз.

Дам олишга йўналтирилган ўқувчилар умумий ёшларнинг 10 фоизини ташкил қилади. Хўш, қолган 90 фоиз ўқучилар ёзги таътилларини қандай ўтказишади? Чунки бўш вақтларини қандай ўтказишни билмаган ёшлар ўртасида майда безорилик, ўғирлик каби салбий кўринишлар келиб чиқаётганлиги барчага аён. Ана шундай воқеаларнинг олдини олиш мақсадида вилоят халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда қўшма тадбирлар ишлаб чиққанмиз ҳамда махсус қарор қабул қилганмиз. Шунга асосан ёзги таътил кунлари мактаб кутубхоналари ва жисмоний тарбия ўқитувчилари муттасил ишлаб турибди. Бадиий китоб ўқишга, спорт билан шуғулланишга қизиққан ёшлар бу ерда бекор қолмайди. Бундан ташқари махсус мураббийлар раҳбарлигида маҳаллаларда «Отам, онам ва мен — спортчилармиз» мавзуида танловлар олиб бориляпти.

Мактаблар, маҳаллалар ўртасида спорт мусобақалари ташкил қилганмиз. Ғолибларни моддий ва маънавий рағбатлантириб борамиз. Хуллас, ёшлар бекор, назоратсиз қолмаслиги чораларини кўряпмиз. Дастуримизга биноан бу йил ўқувчиларни жамоа бўлиб тиббий кўрикдан ўтишини режалаштирганмиз. Бунинг натижасида уларнинг соғломлик даражаси аниқланади. Сурункали касалликларга чалинган, кам таъминланган оилалардаги болалар ҳисобга олинади. Уларни бепул даволаш, моддий жиҳатдан ёрдам бериш чоралари кўрилмоқда.

Маълумки, соғлом муҳит авваламбор оиладан бошланади. Ота билан она иноқ бўлишса, бу оилада камол топган болалар ҳам баркамол бўлиб ўсади. Лекин ҳаётда эр-хотин ажралишлари камаймаяпти. Бу йирик ижтимоий муаммо. Шундай оилаларда ўсаётган болаларнинг шубҳасиз маънавий руҳияти тушкин бўлади. Бу болалар соғлом муҳитга муҳтож. Қўмитамиз ана шундай оилаларда ўсаётган болаларга эътиборни қаратяпти.

Ёшларни соғлом, тетик, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида Питнак шаҳри, Хазорасп тумани ўқувчиларини ҳарбий қисмларга олиб бориб, зобитлар билан ҳамкорликда ўқув ва синов машқларини ўтказишни бошладик. Бу тадбирларни бошқа туманларда ҳам ўтказамиз.

М.РАҲИМОВА,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари Хоразм вилоят қўмитасининг раиси.

Ёз гашти

ҚУВОНЧЛАРИ БИР ЖАҲОН

Бундан роппа-роса 3 йил олдин туман болалар шифохонаси янги бинога кўчгач, ташландиқ ҳолга келиб қолган жойни обод қилиш, қалин дарахтларга бурканган масканда болалар оромгоҳи ташкил этиш режасини дилига тугиб қўйган хўжалик раҳбари Зикриё Асроров ўз ниятини амалга оширишга киришди. Эски бинолар ўрни текисланди. Хўжаликка қарашли қурилиш бригадаси бунёдкорлари енг шимариб ишга тушдилар. Пишиқ ғишт, цемент, тахта, шифер ташийдиган транспортларнинг кети узилмади.Ҳар бир ишда раиснинг ўзи бош-қош бўлди. Тез орада ҳашар йўли билан эски бинолар сифатли таъмирланиб, улар ёнида янги дам олиш хоналари, спорт майдончалари, сузиш ҳавзалари барпо этилди. 7 гектарлик майдон сўлим масканга айлантирилди.

Шундай қилиб Алишер Навоий номли кооперативширкат хўжалиги ҳудудидаги Фаттоҳ Мусин номли болалар оромгоҳи фаолият кўрсата бошлади. Касби тумани халқ таълими бўлимига қарашли мактабларнинг ўқувчилари ёзги таътилни шу ерда ўтказадиган бўлишди.

— Ўтган йил ёзда 450 нафар ўғил-қиз оромгоҳда текинга дам олишди. Йўлланмалар хўжаликлар ҳисобидан тўланди, — дейди туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитасининг раиси Ҳоди Ғозиев, - бу анъана соғлом авлод йилида ҳам давом этаяпти.

Бу йил ёзда ҳам 500 нафарга яқин болаларнинг дам олиши режалаштирилган.

Июн ойида оромгоҳда 150 нафар ўқувчи мазмунли ҳордиқ чиқарди. Шу кунларда иккинчи навбатда дам олувчилар қабул қилинаяпти.

— Дам олувчилар ўртасида «Тарихингизни биласизми?», «Ўйла, изла, топ», «Ҳуқуқингизни биласизми?», «Мен севган адиб ёки шоир», «Соғлом авлод - юрт фахри», «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзуларида танловлар, қизиқарли кечалар уюштирилаяпти. Бу тадбирлар ёшлар маънавиятини бойитишда ижобий таъсир кўрсатади, албатта, - дейди оромгоҳ раҳбари Умар Сиддиқов.

Бош етакчи Манзура Шамсиева, тарбиячилар Машҳура Ҳамидова, Лобар Файзуллаева, мусиқа раҳбари Шавкат Жўраев, шифокор Эркин Бозоровлар ёшлар атрофида парвона.

Оромгоҳ дам олувчиларининг қувончи бир жаҳон.

Абдулла АЙИЗОВ,
«Ишонч» мухбири.

Иснод

НОГИРОН ҲАҚИГА ХИЁНАТ

Инсондан азизи, ҳаётдан ширини йўқ, дейдилар. Ҳар биримиз ширин гапнинг гадосимиз. Оққўнгил, эзгу ниятни дилига жо қилганлар ҳамиша кимларгадир эзгулик қилишга, ўзларидан яхши ном қолдиришга ҳаракат қиладилар. Яқинда табаррук инсонлардан бири — Наврўз бобо бир воқеани таъсирланиб ҳикоя қилиб берди. Кутилмаганда бахтсиз ҳодиса рўй бериб, ёш йигитчанинг ҳаёти хавф остида қолди. Жонкуяр кишилар уни зудлик билан касалхонага ётқизишди. Шифокорлар йигитнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун барча тадбир-чорани қўлладилар. Шунда томоман нотаниш кимса қон бериб, қаттиқ жароҳат олган кимса ҳаётини сақлаб қолди.

Ҳа, ҳаётда бундай ажойиб инсонларни кўплаб учратамиз. Бахтга қарши, кам бўлса-да орамизда шундайлар ҳам борки, улар фақат ўз ҳузур-халоватларини ўйлайдилар. Вақти келса нопок йўлдан ҳам қайтмайдилар. Мана бир мисол. Бухородаги руҳий асаб касалликлари диспансери поликлиникасининг мудири Р.Исобоев гипократ қасамини бузиб, оқ халатга доғ туширди. У фуқаро Т.Расуловани авраб, ногирон ўғли А.Рўзиевга ногиронлик гуруҳи гувоҳномасини тўғирлаб бераман деб 20 минг сўм пора сўради. Ачинарлиси шуки, бусиз ҳам бу оила моддий жиҳатдан қийналиб турган эди. Бироқ диёнатни унутган шифокор ниятига етмай, жиноят устида қўлга олинди. Эсиз умр, эсиз одамгарчилик. Мана энди у минг бор пушаймон қилиб, афсус чекиб ўтирибди. Бироқ қонун бундайларни асло кечирмайди.

А.ЭШОНҚУЛОВ,
Ш.НАБИЕВ,
Бухоро вилоят прокуратураси терговчилари.

«ВОДИЙ ОВОЗИ» ЧОРЛАЙДИ

«Маънавият ва маърифат» маркази Фарғона вилоят бўлими, вилоят маданият ишлари бошқармаси ҳамда вилоят телерадиокомпанияси ҳамкорликда мамлакатимиз мустақиллигининг 9 йиллигига бағишлаб «Водий овози» кўрик-танловини эълон қилди.

Танлов мақсади ўзбек халқининг миллий қадриятларини асраш, миллий мафкурани шакллантириш, истиқлол ғояларини тарғиб этиш, мустақилликни мустаҳкамлаш, анъанавий қўшиқчилик ва мусиқа, аския ҳамда миллий эстрада санъатини ривожлантириш, янги овозларни кашф этишдан иборат. Унда профессионал ва ҳаваскор ижрочилар, ўқув муассасалари вакиллари, болалар гуруҳлари иштирок этиб, ўз имкониятларини синаб кўришлари мумкин. Танлов икки босқичда ўтказилиб, ғолиблар пул ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

(ЎзА)

МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ

(Боши ўтган сонларда)

174-модда. Корхонада меҳнат тартиби

Корхонада меҳнат тартиби иш берувчи касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб тасдиқлайдиган ички меҳнат тартиби қоидалари билан белгиланади.

175-модда. Интизом тўғрисида устав ва низомлар

Халқ хўжалигининг баъзи тармоқларида ходимларнинг айрим тоифалари учун интизом тўғрисидаги устав ва низомлар амал қилади.

176-модда. Ходимнинг бурчлари

Ходим ўз меҳнат вазифаларини ҳалол, виждонан бажариши, меҳнат интизомига риоя қилиши, иш берувчининг қонуний фармойишларини ўз вақтида ва аниқ бажариши, технология интизомига, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси талабларига риоя қилиши, иш берувчининг мол-мулкини авайлаб асраши шарт.

Ходимнинг меҳнат вазифалари ички тартиб қоидаларида, интизом тўғрисидаги устав ва низомларда, корхонада қабул қилинадиган локал ҳужжатларда (жамоа шартномаларида, йўриқномалар ва ҳоказоларда), меҳнат шартномасида аниқ белгилаб қўйилади.

177-модда. Иш берувчининг бурчлари

Иш берувчи ходимлар меҳнатини ташкил қилиши, қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шароитларини яратиб бериш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини таъминлаши, меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя этиши, ходимларнинг эҳтиёж ва талабларига эътибор билан қараши, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаб бориши, ушбу Кодексга мувофиқ жамоа шартномаларини тузиши шарт.

Иш берувчи ходимдан унинг меҳнат вазифалари доирасига кирмайдиган ишларни бажаришни, қонунга хилоф ёки ходим ва бошқа шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавф туғдирувчи, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи ҳаракатлар қилишни талаб этишга ҳақли эмас.

178-модда. Ходимларни уларга юклатилган меҳнат вазифалари билан таништириш

Ҳар бир ходим ўзига юклатиладиган меҳнат вазифалари доираси билан олдиндан таништирилиши лозим.

179-модда. Меҳнат интизомини таъминлаш

Меҳнат интизоми ҳалол меҳнат учун рағбатлантириш ва мукофотлаш усуллари билан нормал тарзда ишлашга зарур ташкилий ва иқтисодий шароитларни яратиб бериш, ноинсоф ходимларга нисбатан жазо чораларини қўлланиш орқали таъминланади.

180-модда. Меҳнат учун рағбатлантириш

Ишдаги ютуқлар учун ходимга нисбатан рағбатлантириш чоралари қўлланилиши мумкин. Рағбатлантириш турлари, уларни қўлланиш тартиби, афзаллик ва имтиёзлар бериш жамоа шартномалари, ички меҳнат тартиби қоидалари ва бошқа локал ҳужжатларда, жамоа келишувларида, интизом тўғрисидаги устав ва низомларда белгилаб қўйилади.

Ходимлар меҳнат соҳасида давлат ва жамият олдидаги алоҳида хизматлари учун давлат мукофотларига тақдим этилиши мумкин.

Иш ҳақи, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар ва меҳнат ҳақи тизимида назарда тутилган бошқа тўловлар рағбатлантириш турларига кирмайди.

Интизомий жазо амал қилиб турган муддат мобайнида (183-модда) ходимга нисбатан рағбатлантириш чоралари қўлланилмайди.

181-модда. Интизомий жазолар

Ходимга меҳнат интизомини бузганлиги учун иш берувчи қуйидаги интизомий жазо чораларини қўллашга ҳақли:

1) ҳайфсан;

2) ўртача ойлик иш ҳақининг йигирма фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима.

Ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг қирқ фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин. Ходимнинг иш ҳақидан жарима ушлаб қолиш ушбу Кодекснинг 164-моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда иш берувчи томонидан амалга оширилади;

3) меҳнат шартномасини бекор қилиш (100-модда иккинчи қисмининг 3 ва 4-бандлари).

Ушбу моддада назарда тутилмаган интизомий жазо чораларини қўлланиш тақиқланади.

182-модда. Интизомий жазоларни қўллаш тартиби

Интизомий жазолар ишга қабул қилиш ҳуқуқи берилган шахслар (органлар) томонидан қўлланилади (82-модда).

Интизомий жазо қўлланилишидан аввал ходимдан ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилиниши лозим. Ходимнинг тушунтириш хати беришдан бош тортиши унинг илгари содир қилган ноҳўя хатти-ҳаракати учун жазо қўллашга тўсиқ бўла олмайди.

Интизомий жазони қўлланишда содир этилган ноҳўя хатти-ҳаракатнинг қай даражада оғир эканлиги, шу хатти-ҳаракат содир этилган вазият, ходимнинг олдинги иши ва хулқ-атвори ҳисобга олинади.

Ҳар бир ноҳўя хатти-ҳаракат учун фақат битта интизомий жазо қўлланиши мумкин.

Интизомий жазо бевосита ноҳўя хатти-ҳаракат аниқланганидан кейин, аммо бу хатти-ҳаракат аниқланганидан бошлаб, ходимнинг касал ёки таътилда бўлган вақтини ҳисобга олмасдан, узоғи билан бир ой ичида қўлланилади.

Ноҳўя хатти-ҳаракат содир этилган кундан бошлаб олти ой ўтганидан, молия-хўжалик фаолиятини тафтиш этиш ёки текшириш натижасида аниқланганда эса, — содир этилган кундан бошлаб икки йил ўтганидан кейин жазони қўллаб бўлмайди. Жиноий иш бўйича иш юритилган давр бу муддатга кирмайди.

Интизомий жазо берилгани тўғрисидаги буйруқ (фармойиш) ёки қарор ходимга маълум қилиниб, тилхат олинади.

183-модда. Интизомий жазонинг амал қилиш муддати

Интизомий жазонинг амал қилиш муддати жазо қўлланилган кундан бошлаб бир йилдан ошиб кетиши мумкин эмас. Агар ходим шу муддат ичида яна интизомий жазога тортилмаса, у интизомий жазо олмаган деб ҳисобланади.

Интизомий жазони қўллаган иш берувчи ўз ташаббуси билан, ходимнинг илтимосига биноан, меҳнат жамоаси ёки ходимнинг бевосита раҳбари илтимосномасига кўра жазони бир йил ўтмасдан олдин ҳам олиб ташлашга ҳақли.

184-модда. Интизомий жазо устидан шикоят қилиш

Интизомий жазо устидан якка меҳнат низоларини кўриш учун белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

Меҳнат низосини кўриб чиқаётган орган содир этилган ноҳўя хатти-ҳаракат қандай вазиятда юз берганлигини, ходимнинг олдинги хулқ-атворини, меҳнатга бўлган муносабатини, интизомий жазонинг содир этилган ноҳўя хатти-ҳаракатнинг оғирлик даражасига қанчалик мос келишини, иш берувчининг интизомий жазо бериш тартибига риоя қилганлигини ҳисобга олиб, ходимга нисбатан қўлланилган интизомий жазони ғайриқонуний деб топиш ва уни бекор қилиш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли.

Касби туманида жойлашган «Паррандачилик» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти жамоаси ўтган йилни катта фойда билан якунлашганди. Улар бу йил ҳам тармоқни янада ривожлантириб, иқтисодни мустаҳкамлашга ҳаракат қилишмоқда. Айни кунларда фабрикада товуқлар сони 26 мингтага етган.

Суратда: ветеринар Тиркач Жумаев ҳиссадорлик жамияти аъзолари билан суҳбатда.

З.РАҲМАТУЛЛАЕВ олган сурат.

Севимли газета:

ЭЛЛИК МИНГ НУСХАДА

Наманган вилояти солиқчилари, молиячилари, банк ва божхона ходимлари минбари — «Иқтисодиёт ва солиқ» газетасининг биринчи сони 1996 йил 18 апрелда чоп этилган эди. Куни кеча газетанинг юзинчи сони газетхонлар қўлига тегди.

«Солиқ дарсхонаси», «Сўраган эдингиз», «Маънавият бурчаги»,«Тарихга бир назар» — булар газетанинг доимий рукнларидир. Бугина эмас. Газета саҳифаларида нафақат солиқчилар, бошқа соҳа вакилларининг чиқишларини ҳам тез-тез кўриш мумкин. Яқинда «Ўзмарказбанк» вилоят бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Собиржон Иброҳимовнинг «Кредит олмоқчимисиз, марҳамат!» сарлавҳали мақоласи эълон қилинди. Наманган шаҳар ижтимоий таъминот бўлими мудири Д.Аҳмедова эса пенсия турлари, уларни белгилаш тартиби, миқдори ҳақида қизиқарли интервью билан чиқди. Божхона, молия тизими ходимларининг чиқишлари ҳам муштарийларда катта қизиқиш уйғотиб келаяпти.

Газета ижодий жамоаси олиб бораётган тарғибот ишлари туфайли вилоятда солиқдан бўйинтовловчилар, солиқ қонунчилигини қасддан бузувчилар тобора камайиб бормоқда. Солиқ ва тўловларни бюджетга ундириш бўйича прогноз кўрсаткичлари ойма-ой ортиғи билан бажариляпти.

Солиқ тизими имкониятларидан тўлароқ фойдаланишга бу қадар эътибор бераётганлигимиз бежиз эмас. Халқ ушбу касб эгаларини севади, ҳурмат қилади, энг муҳими, ўзига ишонгандек ишонади. Шу боис ҳам 11 та вилоят ва Қорақалпоғистон Республикасида мана шундай тармоқ газеталари ташкил этилган. Уларнинг бир галлик адади 50 минг нусхага етади. Бундан ташқари, ўзбек ва рус тилларида чоп этилаётган «Солиқ тўловчининг журнали» ҳам мунтазам нашр этиб борилаяпти. Солиққа доир меъёрий ҳужжатлар, илғор тажрибалар, ислоҳотларнинг бориши, кундалик рейд ва текширув натижалари бу нашрлар учун бош мавзу бўлиб қолган. Ҳар бир сонда қонунбузарларга сабоқ бўладиган танқидий чиқишларга кўзингиз тушади. Таъкидлаш жоизки, солиқчилар билан оммавий ахборот воситалари вакиллари ўртасида бугунги кунда яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. Яқинда Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё, Наманган ва Хоразм вилоятлари давлат солиқ бошқармалари раҳбарларининг маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари билан қизиқарли учрашувлари бўлди. Бундай учрашувлар ҳар иккала томонни бир-бирига янада яқинлаштиради. Модомики мақсадимиз аҳолининг ҳуқуқий билими ва маданиятини ошириш экан, бу мақсад йўлида журналистлар салоҳиятига, уларнинг куч-қудратига таянаверамиз.

Ж.НОСИРОВ,
Давлат солиқ қўмитаси Матбуот хизмати раҳбари.

ҚОНУН ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИ

Президент Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясидаги дастурий маърузасида давлат ва жамият қурилишининг асосий мақсадлари, жамият ҳаётини ислоҳ қилиш ва янгилашнинг биринчи даражали ҳамда ҳаётий муҳим вазифалари белгилаб берилди.

Бугунги кунда жамият ҳаётининг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, шунингдек мамлакат хавфсизлигини таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Сиёсат, давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги фаолиятга оид дастурнинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши айниқса долзарб вазифалардан биридир. Мазкур дастур фуқароларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини, жамоатчилик бирлашмалари, нодавлат ташкилотлари, фуқаролар ўз-ўзини бошқариш органларининг муҳим давлат масалаларини ҳал этишдаги ўрни ва аҳамиятини оширишга оид тадбирлар ишлаб чиқишга қаратилган.

Фуқаролар ва жамоатчилик тузилмаларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қиладиган қонун лойиҳалари муҳокамасидаги иштирокини кенгайтириш мақсадида «Қонун» лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш кўзда тутилмоқда.

ЎзА мухбири Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) котибияти ходими, давлат ҳуқуқи ва бошқаруви бўйича мутахассис, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди Фарида Бақоевадан мазкур қонуннинг мақсади, вазифалари ва мазмуни тўғрисида сўзлаб беришни илтимос қилди.

- Ҳар бир инсон бутун бир ҳуқуқлар мажмуига эгадир, - дейди Ф.Бақоева. - Булар шахсий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳуқуқлардир. Давлат уларга риоя этилишини кафолатлаши, бунинг учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиши лозим. Мамлакатимиз конституциясида фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланган бўлиб, уларни амалга ошириш механизми ва тартиби, бутун жаҳонда қабул қилинганидек, республика қонунлари билан тартибга солинган.

Бу, энг аввало, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари, уларнинг муҳим давлат масалаларини ҳал этишдаги иштирокига тааллуқли. Сиёсий ҳуқуқларга сайлаш ва сайланиш, ахборот олиш, ўз-ўзини бошқариш, сиёсий партиялар ва жамоатчилик ташкилотларига бирлашиш эркинлиги, органларга шикоят, ариза, таклифлар билан мурожаат қилиш каби ҳуқуқлар киради. Улар Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунлари билан тартибга солинади. Бироқ митинг, йиғилиш, намойиш ўтказиш ҳуқуқи, қонун лойиҳаси муҳокамасида, референдумларда, мамлакат қонунчилигига риоя этилиши устидан жамоатчилик назорати ва мониторингини амалга оширишда иштирок этиш ҳуқуқлари муфассал ҳуқуқий тартибга солиниши лозим.

Фуқароларнинг қонун лойиҳаси муҳокамасида иштирок этиш ҳуқуқини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки кишиларнинг у ёки бу масала бўйича фикрларини инобатга олиш қонунларни ҳаётга, кишиларнинг амалий фаолиятига яқинлаштиради, турмушда юзага келадиган вазиятларни аниқ тартибга солиш имконини беради. Иккинчи томондан, қонун лойиҳаси муҳокамасида иштирок этиш фуқароларга давлат ва жамиятдаги ўрнини англашда, давлат фаровонлиги, жамият аъзолари ўртасида яхши ҳамкорлик муносабатларини юзага келтириш уларга боғлиқ эканлигини тушунишда ёрдам беради.

Фуқаролар қонун лойиҳаси муҳокамасида шахсан ва турли бирлашмалар, сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотлари, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш идоралари, меҳнат жамоалари орқали иштирок этиши мумкин. Биринчи ҳолда фуқаролар таклифларни қабул қилиш ва умумлаштириш учун тузилган идораларга ёзма ва оғзаки шаклда мурожаат қилишга ҳақлидир. Иккинчи ҳолатда фуқаро қонун лойиҳасига доир таклифларини юқоридаги ташкилотларга юборади, улар эса ўз навбатида таклифларни Олий Мажлисга тақдим этади.

Қонун лойиҳаси муҳокамасини ўтказиш ва унинг самарадорлигини таъминлаш, табиийки, мамлакатнинг қонун чиқарувчи органи Олий Мажлис зиммасида бўлиб, у қонун лойиҳаларини тайёрлайди, умумхалқ муҳокамасига тақдим этади, муҳокама муддатлари ва тартибини белгилайди, фуқароларнинг таклифларини қабул қилиш ва умумлаштириш бўйича комиссия тузади.

Шу ўринда Қонун лойиҳалари муҳокамасининг самарадорлиги ва пировард натижаси кўп жиҳатдан мазкур комиссия фаолиятига боғлиқ эканини таъкидлаш жоиз. Комиссия фаолияти расмиятчиликдан қанча йироқ бўлса, фуқаролар жамоатчилик бирлашмалари билан шунчалик яқин алоқа ўрнатади, уларга ўз фикрларини эркин ифодалаш учун шароит яратади. Қонун лойиҳаси моддаларининг юридик шахслар ва аҳоли ўртасида очиқ муҳокама қилиниши қонунни амалга ошириш механизмини мукаммал ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Д.САИТОВА,
ЎзА мухбири.

Сайхунободликлар ғалабаси

Сайхунобод тумани ғаллакорлари Сирдарё вилоятида биринчи бўлиб ғалла топшириш режасини бажарди. Давлатга 20 минг 156 тонна дон сотилди. Ҳосилдорлик ўртача 35 центнерни ташкил этди.

Қўлга киритилган меҳнат муваффақиятида «Ғалаба», «Бирлашган», «Шўрўзак», «Пахтакор», «Гулистон», Амир Темур номидаги хўжаликлар, Қоратой Мирзаев, «Бекбўта», «Шерали ота», «Навбаҳор» фермер хўжаликларининг муносиб улуши бор.

Сайхунободлик ғаллакорлар давлатга яна 6000 тонна буғдой сотиб, ялпи хирмонни 26 минг 156 тоннага етказишга аҳд қилдилар.

Жиноят ва жазо

ЎҒРИЛАРНИ ДОҒДА ҚОЛДИРГАН ПЕНСИОНЕР

Тўхтавой акани чорак асрдан бери биламан. Наманганнинг таниқли пахтакор деҳқонларидан. Ўзининг таъкидлашича, кетмон кўтариб колхоз даласига чиққанига эллик беш йилдан ортиқ вақт бўлибди. Шундан йигирма йилдан ортиғини бригадирликда ўтказди. Ҳосилдорликда Тўрақўрғон туманидагина эмас, балки Наманган вилоятида юқори кўрсаткичларга эришиб, хизмат кўрсатган пахтакор унвонини олишга сазовор бўлган. Ишлаш билан бир вақтда Андижон Пахтачилик институтининг сиртқи бўлимини битирди. Ташкилотчи, деҳқончилик илмининг устасига айланган Тўхтавой Бектемировни хўжалик раҳбарлигига кўтаришди. Анча йил тумандаги Набиев номли жамоа хўжалигини бошқарди. Қолоқ хўжаликни илғорлар қаторига олиб чиқди, иқтисодини мустаҳкамлади. Кейин уни ўзи туғилиб ўсган, ёшликдан даласида меҳнат қилган «Олтин водий» жамоа хўжалиги раислигига олиб келишди. Бундан икки йил илгари эса пенсияга узатилди. Энди эшитсам, ўйларига ўғри оралабди. Ҳол-аҳвол сўраб бордим. Томорқасида ишлаб турган экан. Мен қулоғимга чалинган гаплар рост-ёлғонлигини сўрадим. Шеригим аввалига саволимдан ҳижолат тортгандай кўл силтади. Астойдил суриштирганимдан сўнггина оғиз очди:

— Сиз мухбирлардан ҳеч нарса қутилмайди. Қўймадингиз-қўймадингиз-да!

Суҳбатдошим тўсатдан гап орасида менга саволомуз тикилди:

— Тушга ишонасизми-йўқми?

— Гоҳо, тўғри чиқиб қолади.

Тўхтавой ака бошидаги дўпписини айлантириб қўйди-да ҳикоя қилишга ўтди...

— Қаранг, икки кунгина олдин тушимга отам кирибдилар. Қаттиқ ухлаб ётган эканман. Тушимда туртиб уйғотяптилар. Кўзимни очишга ҳарчанд уринмайин уддалай олмайман. Падари бузрукворим «тур, турги дейман, ғафлат уйқусидан уйғон, манави таёқни ол, уйингни ўғри босди», деяптилар. Турсам, тонг ёришиб қопти. Кун бўйи карахт юрдим. Орадан кун ҳам, тун ҳам ўтди. Иккинчи куни ҳам тушимда кўрганларим таъсирида юрдим. Омборхона бурчагидаги икки газ келадиган ингичкароқ темир трубани ҳар эҳтимолга қарши тўшак остига яшириб қўйдим.

Беихтиёр уйғониб кетдим. Ростдан ҳам ташқаридан қадам товуши келаётгандек, кимларнингдир шивирлаши эшитилаётгандек туюлди. Сергакландим. Оҳиста бориб деразадан мўраладим. Қарасам, юзига ниқоб тутиб олган шарпалар биз ётган хона эшиги ёнига яқинлашиб келишяпти. Ташқарида электр чироқлари ёниб турганлиги учун ҳамласи кафтдагидек кўринятти. Хаёлни қарангки, темир трубани олибману лекин қўшни хонадаги отамдан мерос келаётган ов милтиғини унутибман. Майли, бу ҳам пешонадан, аммо осонликча жон берадиган ахмоқ йўқ, дедим ўз-ўзимга.

Ташқарига астойдил тикилдим. Ҳа, ўзларингча, раис бўлиб ишлаган, пули кўп, деган ўйга боргансанлар. Ҳолбуки, Тўхтавойнинг қуруқ бўйидан, мана шу эл қатори иморатидан бошқа ҳеч вақоси йўқ. Умид қилиб келган бойлик ўрнига насибаларингга ярашасини оласиз. Кўчаларда ёзишяпти-ку, «ўз уйингни ўзинг асра», деб. Трубани шай қилиб эшикни куч билан итаришаётганларида кутилмаганда илгакни чиқариб юбордим. Мункиб кирган биринчи босқинчининг бошига қаратиб данғиллатиб куч билан туширдим. Ихраганича оёқларим остига коптокдек юмалади. Иккинчисининг эса боши ва елкаси аралаш солдим. Уйимизнинг қоронғилиги иш берди. Темир калтак зарби босқинчиларни доғда қолдирди. Иккинчи босқинчи ҳам чаён чаққандек додлаганича остона зинасидан ўзини ташқарига отди. Учинчи босқинчи нима гап бўлганини ҳам яхши тушуниб етмасдан ҳовлига қараб сакради...

Ҳикояси шу ерга етганда Тўхтавой ака ҳаяжонданми ёки бироз толиқдими, сал муддат жим қолди. Пиёладаги чой қолдиғини ҳўплади-да, чуқур нафас олгач, давом этди:

— Шу ерда хатога йўл қўйдимки, жабрини ҳозиргача тортиб келяпман. Калламга босқинчиларни чўчитиш керак, деган фикр келиб қолди шекилли, воқеадан аллақачон хабар топган ва юз бераётган олишувдан қарахт бўлган аянгизга қараб бақирдим:

— Милтиқни олиб чиқ. Бу лаънатиларни отибоқ ташлай!

Кутилмаганда аянгиз ҳам соддалик қилиб милтиқни келтириш учун ташқарига, қўшни хонага қараб йўл олмайдими, ўғрилар шундоқ эшик ортида туришган экан. Аянгизни қўлоёғидан кўтариб пастликка улоқтиришди. Аёлимнинг додлаганини эшитиб қай тахлит ташқарига қараб ўқдек отилганимни, босқинчилардан яна бирининг бошига қарата туширганимни ўзим ҳам пайқамай қолдим. Бир маҳал аянгиз пастликда вой-войлаб юмалаб ётибди-ю, босқинчилар ит қувлагандек бири иккинчисидан ўзиб томорқа ортига қараб шамолдек елишяпти. Олдингисининг қўлидаги милтиқни аниқ кўрдим. Чамаси, шароит тўғри келмасдан ишлата олмаган...

Ўғрилар узоқлашгач, хона чироғини ёқдим. Аянгизни кўтариб уйга олиб кирдим. Тўсатдан калтак еган ва ҳозиргача беҳуш ётган дастлабки босқинчи инграшга тушди. Кейин ўзим ҳам сезмаган ҳолда ҳамон қўлимдаги темир калтакка тикилиб, «мени ўлдирманг» дея ялина бошлади.

— Етмиш ёш остонасида турган одамман, - дедим охири. - Шу ёшимда одам ўлдириб гуноҳга ботаманми? Унақа гапларни гапирма. Сенларнинг жазоларингни тегишли жойлар, қонун берсин!

Негадир чап қўлим оғирлашаётгандек туюла берди. Телефон орқали чақирувдан сўнг етиб келган туман ички ишлар бўлими гуруҳидагилар ҳам чап қўлимга нима бўлганлигини сўраб қолишди. Чироқда астойдилроқ қарасам, ўғрилар уйга кирмоқчи бўлишганларида нимадир силтагандек, чироқ шуъласида алланарса ялтираб кетгандек бўлганди. Ўшанда пичоқ тиғи кафтим юқорисидан тирсаккача тилиб кетган, қизиқ устида оғриқни ҳам сезмаган эканман...

Сўнгги сўз ўрнида шуни айтмоқчимизки, Тўхтавой аканинг яраси тузалиб кетди. Рафиқаси Иноятхон опа уч ойдан зиёд касалхонада ётди, ҳозир анча соғайиб қолган. Айтгандай, босқинчиларнинг қочиб кетган ҳар иккиси эртасигаёқ қўлга олинди. Бири шу тумандаги Гулқишлоқдан, қолган иккиси қўшни Мингбулоқ туманидан экан. Лекин шуни таъкидлаб ўтамизки, ҳар уччаласи аллақачондан бери босқинчилик ва ўғрилик билан мунтазам шуғулланиб келишаётганликлари боис, ички ишлар қидирувида эканлиги маълум бўлди. Тўрақўрғон туман судининг Илҳомжон Эргашев раислигида ўтган суд мажлиси ҳар уччала босқинчини қилмишларига яраша жазога ҳукм этди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

ФЕРУЗА – БАРЧИНОЙ АВЛОДИ

Унинг Тверга — биринчи жаҳон чемпионатига бориши учун мураббий мадад кўрсатди

...Тўю тантаналарда, катта-кичик мусобақаларда бел олишиб юрган Қувват беллашувлардан бирида қўлидан жароҳатланиб, полвонлик билан бошқа шуғулланмасликка мажбур бўлди. Коллежда оддий ходима бўлиб хизмат қилаётган турмуш ўртоғи Гулойим билан олти нафар дилбанди — фарзандларини оқ ювиб, оқ тараб, парвариш қила бошлади. Ҳаёт тасодифларга тўла, дегани рост экан. Бўлмасам, нав-ниҳолгина Феруза отаси Қувватнинг йўлини тутиб полвонликни танлармиди? Ҳа, Феруза отаси йўлидан борди. Қиз бола бўлишига қарамасдан юрт шаъни учун кураш тушмоқни ният қилди. Қўни-қўшнилар, қариндошлар аввалига бу ҳолдан ажабланишди: «Қиз бола ҳам кураш тушадими?» Бироқ бу ҳайратланиш узоққа бормади. Хатти-ҳаракатидан чўнг ирода, қатъият барқ уриб турган Феруза полвонлик сирасрорини чуқур эгаллашга астойдил киришди. Интилишлар, тинимсиз машқлар қисқа фурсатда ўз самарасини берди. Дастлаб у ўз вазн тоифасида Қорақалпоғистон миқёсида ўтказилган бир неча мусобақада ғолибликни қўлга киритди. Тобора маҳоратини ошириб бораётган полвон қиз шу йил 24 март куни Жиззах шаҳрида ўтказилган мамлакат биринчилигида шоҳсупага кўтарилди. Манғит шаҳридан ўнлаб чемпионлар етишиб чиққан, аммо бу галги ғолиб Барчиной авлоди Феруза эди.

Шундай қилиб, манғитлик полвон қиз учун Россиянинг Тверь шаҳрида бўлиб ўтадиган кураш бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасидаги биринчи жаҳон чемпионатига йўл очилди. Энди унинг олдида шарафли ва шу билан бирга масъулиятли вазифа турарди. Феруза нафақат мамлакатимиз, балки бутун Марказий Осиё давлатлари шарафини ҳам ҳимоя қилиши лозим эди. Бироқ, Ферузанинг мураббийи, шаҳардаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг жонкуяр устози Баҳром Қурбонниёзовнинг инсонийлиги, қатъияти, фидойилиги бўлмаганда, балким унинг жаҳон чемпионатига бориши, спорт усталиги талабини бажариши ҳам сароб бўлиб қолармиди?

...Тверга, биринчи жаҳон чемпионатига йўл олиш учун саноқли кунлар қолган, йўлкира учун эса маблағ сарфлайдиган валломат топилмаётган, туман ҳокимиятидаги мутасаддилар эса фақат томошабин бўлишдан нарига ўта олмаётганини кўриб, мураббий Баҳром Қурбонниёзов устози, спорт мактаби раҳбари Яраш Қозоқовга маслаҳат солди:

— Устоз, ҳеч кимдан омад юртдошимиздан юз угирди. Шунга қарамасдан узоқ Манғит шаҳридан келган оддийгина қизнинг жаҳон чемпионатида кумуш медалга сазовор бўлиши унутилмас воқеа эди.

— Ҳеч шубҳасиз, кураш бўйича жаҳон биринчилиги ғолиби бўлиш учун астойдил интилавераман, - дейди Феруза Ҳайтимбетова. - Бунинг учун спорт мактабимиз, унинг директори Яраш Қозоқов, мураббийим Баҳром Қурбонниёзов, спорт қўмитаси раиси Куелимжон Вафоев каби қалби дарё инсонлар доимо яқиндан кўмак бериб келмоқда.

Нима бўлганда ҳам Манғит шаҳрилик оддий мураббийнинг муруввати боис юрт спорти яна бир ёрқин ғалабага эришди. Илоҳим, бундай қалбидарё инсонлар сафи кўпаяверсин!

Абду РАҲМОН,
«Ишонч» мухбири.

Ташаббус!

Наманган вилоятида жисмоний тарбия ва спортга катта эътибор қаратилмоқда. Шу боис вилоят ва туман марказларида, шунингдек, қишлоқ жойларида ҳам кўплаб замонавий спорт иншоотлари қурилиб фойдаланишга топширилмоқда. Яқинда Наманган шаҳри марказида, 2-болалар ва ўсмирлар мактаби қошида «Делфин» чўмилиш ҳавзаси қайта таъмирланиб фойдаланувчилар ихтиёрига топширилди.

«ДЕЛФИН»НИНГ ҚАЙТА ТУҒИЛИШИ

Тўғри, илгари бу ерда кичикроқ ва кўримсизроқ чўмилиш ҳовузчаси мавжуд бўлган, бироқ у сўнгги йилларда қаровсизлик натижасида ташландиқ ҳолга келиб қолган эди. Вилоят касаба уюшмалари кенгаши хайрли ташаббус билан чиқиб, уни ҳақиқий спорт иншоотига айлантиришни, келажагимиз эгалари — фарзандларимизга спортнинг бу тури билан шуғулланишлари учун имконият яратишни ўзининг бош мақсади деб билди. Бунинг учун катта миқдорда маблағ сарфланди. Қарабсизки, тез орада бу ерда жаҳон андозаларига тўла мос келадиган чўмилиш иншооти вужудга келди.

— Ушбу сув ҳавзасида бир йўла 250 киши чўмилиб роҳатланиши, сув спорти сирларидан воқиф бўлиши мумкин, — дейди спорт мактаби директори Рашид Муродхўжаев. — Шунингдек, бу ерда Наманган давлат университети талабалари ва тиббиёт коллежи ўқувчилари, қатор корхона ва ташкилот ишчи-хизматчилари ҳам сув спорти билан шуғулланишлари кўзда тутилган.

Дарвоқе, қайта ҳаёт бахш этилган янги бассейнда сув спорти билан шуғулланувчилар учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Кийинишечиниш ва дам олиш хоналари, соғломлаштириш маркази, фин ҳаммоми ва бошқа зарур шоҳобчалар барпо этилган.

Ж.ОБИДОВ.

МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

(3-9 ИЮЛ)

ҚЎЙ (22 март- 20 апрел) Ишларингиз кўнгилдагидек кечади. Аммо кўнглингизнинг бир чеккаси хира тортиб туради. Хаёлингизда сизга хавф туғилаётгандек туюлади. Гўё кимдир сизга қасдма-қасд иш қиладигандек. Хотиржам бўлинг. Бу хавотирларингизнинг барчаси асоссиз.

БУЗОҚ (21 апрел-21 май) Сиз Оллоҳдан беҳад тўкинлик талаб қилманг. Негаки, ўта тўқлик ақлни хиралаштиради. Ақлингиз заифлашишини истамаслигингиз аниқ. Юмушларингизнинг кутганингиздек юришмаётганлигидан нолиб, кўнглингиз шундай осойишталикни тусаб қолиши эҳтимоли йўқ эмас.

ЭГИЗАКЛАР (22 май-21 июн) Аксарият эркаклар бегона аёллар билан тил топишишга ҳаракат қилишади. Бошқача айтганда уларнинг ҳою-ҳавасга берилишлари тахмин қилинмоқда. Бу ҳол кўнгилхушликка одатланганлар учун табиийдир. Аммо шу йўлга илк бор кираётганлар қаттиқ адашишлари мумкин. Қадамни ўйлаб босган ўкинмайди.

ҚИСҚИЧБАҚА (22 июн-21 июл) Жамиятда тутган мавқеингизда ижобий ўзгариш бўлиши кутилмоқда. «Шамол»нинг қайси томондан эсишини пайқаган айрим танишларингиз атрофингизда ялтоқланиб қолишади. Ҳатто бу ўзгаришларда «ҳиссалари» борлигини таъкидлаб қўйишлари ҳам эҳтимолдан узоқ эмас.

АРСЛОН (22 июл-21 август) Олдиндан тузиб қўйилган режангизга ўзгартиш киритишга мажбур бўласиз. Бунга яқин кишингиз ишидаги чигаллик важ бўлади. Ҳамкорингиз билан орангиздаги келишмовчилик, молия масаласидаги муаммо сингари ҳолатлар туфайли шундай кечади. Ҳафта охирида эса бу каби барча машмашалар барҳам топиши кутилаётир.

СУНБУЛА (22 август-21 сентябр) Бирор нарсага ўта ишқибоз бўлганлар бу ҳафта эътирозларини бирмунча жиловлаб олишлари лозим. Негаки шу кунларда диний мутаассиблик ҳам, дунёвий масалалардаги ишқибозлик (фанатизм) ҳам яхшиликка олиб келмайди.

ТАРОЗИ (22 сентябр-21 октябр) Кўп вақтдан буён нописандлик билан қараб келганингиз ички салбий туғён кутилмаганда ўзини кўз-кўз қилади. Бундан ўзингиздан кўра атрофингиздагиларнинг кўпроқ саросимага тушиши эҳтимоли йўқ эмас. Шу боис ҳафта бошиданоқ биринчи галда, саломатлигингиз ҳақида ўйланг.

ЧАЁН (22 октябр-20 ноябр) Молиявий муаммолар ечилиб, кундалик икир-чикирлар қаттиқ ташвишга солиб қўйиши мумкин. Бунинг устига баъзи қўни-қўшнилар, ишхонангиздаги айрим «дўст»лар билан муносабатингизда салбий ўзгариш юз бериши эҳтимоли тутилмоқда.

ЁЙ (21 ноябр-20 декабр) Бу ҳафта ўта дабдаба, спиртли ичимликлар билан ўтказиладиган кўнгилочарлардан олисроқда юринг. Бу, биринчи навбатда ҳамёнингизга катта зарар келтирса, иккинчидан таниш билишларингиз олдида бебурд қилиб қўяди.

ТОҒ ЭЧКИСИ (21 декабр-20 январ) Тасодифдан эҳтиёт бўлинг. Аксарият «эчки»ларнинг оғизлари «ошга» текканда «бурунлари қонаши» эҳтимоли йўқ эмас. Шу кунларда имкони бўлса, узоқ сафарга чиқманг. Сув ҳавзалари, баланд тоғларда дам олмасликни тавсия қиламиз.

ҚОВҒА (21 январ-19 феврал) Кутилмаган жойда сизни сотиб қўядилар. Сирлари ошкор бўлганда бунга ўзингизнинг хатти-ҳаракатингизни сабаб қилиб кўрсатишлари ҳам ҳеч гап эмас. Шундай иш тутингки, рақибларингиз бирор ишингизнинг «бўш» ерини топа олишолмасин.

БАЛИҚ (20 феврал-21 март) Ишларингиз ўнгидан келаётганидан қаттиқ қувонманг. Сизни ташвишга қўйишни «ўйлаётганлар» ҳам йўқ эмас. Ҳар бир ҳаракатингизда аниқ ҳисоб-китоб бўлиши шарт. Фақат бировнинг ҳисобидан фойда олишга, кимдандир ўзиб кетишга уринманг.

Касаба уюшма спорти

ҚУРУВЧИЛАРНИНГ ШАШТИ БАЛАНД

Кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида «Соғлом авлод йили»га бағишланган Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимларининг республика спартакиадаси ўтказилди.

Маълумки, тармоқ касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ва Ўзбекистон касаба уюшмаларининг жисмоний тарбия ва спорт жамияти ушбу спартакиадани ўтказиш учун шу йилнинг феврал ойида қўшма қарор қабул қилган, бунда аввал ҳудудларда корхоналараро, сўнгра вилоятларда саралаш мусобақаларини ўтказиш кўзда тутилган эди. Шунга кўра Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан саралаш мусобақаларида юқори ўринларни эгаллаган қурувчи-спортчилар 3 кун мобайнида Самарқанд шаҳрининг Темирйўл туманидаги «Локомотив» спорт мажмуида кескин ва муросасиз баҳсларда қатнашдилар.

Мусобақалар якунига кўра мини футбол беллашувларида Самарқанд вилояти вакиллари зафар қучдилар. Стол тенниси ва шахмат баҳсларида эса Наманган вилояти жамоасига омад кулиб боқди. Умумкоманда ҳисобида наманганликлар биринчи, Самарқанд вилояти жамоаси иккинчи ва Тошкент вилояти қурувчи-спортчилари учинчи ўринни эгалладилар.

Ғолиб ва совриндорлар Ўзбекистон касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий бошқарувининг дипломлари ва тармоқ касаба уюшма Марказий қўмитасининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Абдураҳим ТОШПЎЛАТОВ,
Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси МҚ бўлим мудири.

Ва... ниҳоят!

САРКИСЯН – БОШ МУРАББИЙ

Хабарингиз бор, россиялик таниқли мутахассис Павел Садирин ўз юртига йўл олгандан сўнг мамлакатимиз миллий терма командаси маълум вақт бош мураббийсиз қолганди. Куни кеча Республика Футбол федерациясида олий лига жамоалари бош мураббийлари ҳамда мутахассислар иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда бу масъулиятли вазифа тажрибали мураббий Юрий Саркисянга топширилди. Энди «Ливан-2000»да Осиё чемпионати баҳсларига футболчиларимизни Ю.Саркисян бошлаб боради.

Эрта-индин эса терма жамоамиз навбатдаги ўқув-машғулот йиғинини ўтказиш учун Жанубий Кореяга жўнаб кетади.

ПАҲЛАВОН МАҲМУД ИЗИДАН

Халқимизнинг азалий қадрияти саналмиш - ўзбек курашининг довруғи етти иқлимга ёйилмоқда.

Жумладан, кураш бўйича I Жаҳон чемпионатининг мутлоқ вазндаги чемпиони, ат-Термизий халқаро турнири ғолиби Тоштемир Муҳаммадиев айни кунларда кўҳна Ҳиндистон мамлакатида ўзбек кураши бўйича мутахассис ва полвонларга мураббийлик қилмоқда. Она юртимизда камол топган забардаст шоир, курашларда афсонавий олқишларга сазовор бўлиб, жаҳоннинг сара полвонлари қаторидан жой олган Паҳлавон Маҳмуд ҳам ўзининг мислсиз маҳорати билан ҳиндистонлик полвонларни лол қолдирган. У ҳинд диёри курашчиларини доғда қолдириб, ўз ватандошларини асирликдан озод қилгани билан тарихда ўчмас из қолдирди.

Ҳиндистон кураш федерацияси президенти Жагди Татлер таклифига биноан у ерлик полвонларга сабоқ бераётган Тоштемир полвон ҳам ҳалоллик, мардлик ва инсонпарварлик хислатлари билан йўғрилган, халқимиз миллий руҳиятини акс эттирувчи курашнинг жозибасини яна бир бор намойиш этиб, ҳиндларни маҳлиё қилаётгани шубҳасиз.

Паҳлавонимиз ўз сафари давомида кураш сир-асрорларини ўргатиш билан бирга маҳаллий мутахассислар иштирокида семинарлар ҳамда журналистлар билан матбуот анжуманларида учрашди.

Курашдаги жозибадорлик одамларга куч-ғайрат, шижоат, кўтаринки руҳ бахш этиши табиий. Яқин орада бу томошаларни ўзбеклардек ҳиссаяжонларга тўлиб тошган ҳолатда кузатаётган минглаб ҳиндистонликларни кўриб ҳайратда қолсак, ажабмас.

Ҳомий — маҳалла

ШЎРЧИ ФУТБОЛЧИЛАРИ

Шўрчи тумани Шўрчи қишлоқ фуқаролар йиғини «Ёруғлик» маҳалласида футбол бўйича маҳалла биринчилиги ўтказилди.

— «Соғлом авлод йили» муносабати билан футбол мусобақаларини ўтказишни бундан бир-икки ой аввал режалаштириб қўйган эдик. Унга қадар миллий кураш, шоҳмот мусобақалари ўтказилганди, - деди маҳалла раиси Тўра Алибоев «Туркистон-пресс» мухбири билан суҳбатда. — Футбол ўйини маҳалламизга қайтадан файз киритди. Томошага келган ёшу қари ўйинчиларни олқишлади. Ярим финалга чиққан тўртта, яъни мактаб терма жамоаси, 1975, 1978, 1980 йилда туғилган йигитлардан иборат жамоалар ўртасида кечган баҳслар қизғин ўтди. 1975 йилда туғилган йигитлардан иборат жамоа мазкур мусобақа ғолиби бўлди.

Мусобақага ҳомийлик қилган маҳалла фуқаролари яхши ўйин кўрсатган Парда Жиянов, Зиёдулла Эшмуҳамедов, Тўра Исаев, Холбек Аҳмедовларга ўзларининг пул мукофотларини топширдилар.

Маҳалла биринчилиги футбол ишқибозларига турнирнинг энг яхши ҳужумчиси, энг яхши ҳимоячиси ва ярим ҳимоячини аниқлаб берди.

Маҳалла оқсоқолининг айтишича, бу тадбир катта-ю кичикда ажойиб таассурот қолдирди. Маҳалла фаоллари мамлакатимизда нишонланадиган байрамлар арафасида футбол бўйича маҳалла биринчилигини ўтказишга келишиб олдилар.

Бокс

ТАЙСОНДАГИ ЎЗГАРИШ

Майк Тайсон. Бу ном 24 июн куни «темир Майк» ва Лу Саварезе ўртасида бўлиб ўтган 38 дақиқалик учрашувдан сўнг яна бир бор бутун бокс оламини титратган бўлса, ажабмас. Зотан, аксар мутахассислар эътирофича, ринг ва ринг ортидаги кетма-кет мувафақиятсизликлардан сўнг яна ўша «безори бола» қайноқ курашлар бағрига қайтмоқда, кўпчилик чарм қўлқоп мухлислари наздида эса бу жанглар ўн йиллар аввалги тенгсиз Тайсонни эслатмоқда.

Хўш, чиндан ҳам Майк қайта туғилмоқдами? Ёки Тайсон даври ўтиб кетди, дея жар солаётганлар ҳақми? Нима бўлганда ҳам, вақт олий ҳакам. Фақат бизнингча, бугун Майк Тайсон — Малик Абдулазиз анча бошқача. Мислсиз куч, бетакрор маҳорат уйғунлигига соя солиб турган безорилик ва жиннилик ўрнини оқилона хатти-ҳаракатлар эгаллагандек, гўё. Дарвоқе, шу йилнинг ноябр ойида Майк Тайсон чемпион Леннокс Луисга қарши рингга чиқиши кутилмоқда.

С.ТЎРАХЎЖАЕВ.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 14.002 нусха. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.
Босишга топшириш вақти - 23.00